

COPY RIGHT



ELSEVIER
SSRN

2020 IJIEMR. Personal use of this material is permitted. Permission from IJIEMR must be obtained for all other uses, in any current or future media, including reprinting/republishing this material for advertising or promotional purposes, creating new collective works, for resale or redistribution to servers or lists, or reuse of any copyrighted component of this work in other works. No Reprint should be done to this paper, all copy right is authenticated to Paper Authors

IJIEMR Transactions, online available on 24th Nov 2020. Link

[:http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-11](http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-11)

DOI: 10.48047/IJIEMR/V09/I11/25

Title: XVIII аср боши-XIX аср охирларида Қўқон хонлиги аҳолисининг этник таркиби.

Volume 09, Issue 11, Pages: 126-130

Paper Authors

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна



USE THIS BARCODE TO ACCESS YOUR ONLINE PAPER

To Secure Your Paper As Per **UGC Guidelines** We Are Providing A Electronic Bar Code

XVIII аср боши-XIX аср охирларида Қўқон хонлиги аҳолисининг этник таркиби.

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна

Қўқон давлат педагогика институти Тарих факультети

“Тарих” йўналиши кафедра ўқитувчиси тел.: 90 566 88 81

эл. почта gulnozkspi@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Қўқон хонлиги аҳолисини ташкил этган ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар ва уларнинг этник таркиби ўрганилган.

Калит сўзлар: сарт, қирқ, минг, қипчоқ, дунган, олой, юз, қалмик, қошғар, қозоқ, турк, қирғиз, қорақалпоқ, тожик.

Кириш. Қўқон хонлиги Марказий Осиёда ташкил топган йирик давлатлардан бири бўлиб, 1709 йилдан 1876 йилгача ҳукмронлик қилган. Хонлик ҳудуди аҳолиси мураккаб этник таркибга эга бўлиб, аҳолининг асосий қисмини турли ҳудудларда яшаган ўзбеклар ташкил қилган. Булар асосан туркийзабон ва форсийзабон аҳолининг ассимиляцияси натижасида шаклланган кўчманчи ва ярим кўчманчи “сарт”лар, турк-мўғул уруғларидан ташкил топган туркийлар ва Муҳаммад Шайбонийхон сабаб Дашти Қипчоқ ҳудудидан кириб келган уруғлардир.

А. Асқаровнинг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”[1] номли асарида қипчоқлар, қорақалпоқлар ҳақида бир неча маълумотлар мавжуд. XVIII асрнинг ўттизинчи йилларида қипчоқларнинг бир қисми яйлов қидириб, Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига кўчиб ўтадилар. Ўша кезларда қорақалпоқларнинг бир қисми Марказий Фарғонага келиб ўрнашадилар. Кейинчалик бу ерлар “қорақалпоқ чўли” номини олганлиги ҳақида айтиб ўтилади.

Т. К. Бейсембиевнинг “Тарих-и Шахрухи”[2] асарида Қўқон хонлиги ва атроф ҳудуд аҳолисининг этник таркиби хилма хиллиги ҳақида гап боради. Фарғонанинг туб аҳолисига сартлар, тожиклар, ўзбеклар, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисига-қипчоқлар, қирғизлар, турклар, қорақалпоқлар, жонбағишлар ва қалмиклар кирганлиги ҳақида айтиб ўтилади. Бундан билишимиз мумкинки қипчоқлар Шахрихон ҳудудлари, Балиқчи, икки дарё Қорадарё ва Норин оралиғида яшаганлар, қирғизлар эса Фарғонани ўраб турган тоғ ва тоғ ҳавзаларида (Кетмон тепа, Олой) кўчманчи ҳаёт кечирганлар.

Тошкент ҳудуди ва Қураманинг туб аҳолисини сартлар, тожиклар ва “анди”лар ташкил қилганлар, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисини-қурама ва қозоқлар ташкил қилган. Чинозда кўчманчи қорақалпоқлар, Жанубий Қозоғистонда эса қозоқлар ва “анди”лар яшаган. Ўратепанинг туб аҳолисини сартлар ва тожиклар, кўчманчи аҳолисини эса юзлар ва қирқлар ташкил

қилганлар. Самарқанд яқини ва Жиззахда эса хитой-қипчоқлар ва қорақалпоқлар кўчманчи ҳаёт кечирганлар.

Б. М. Бабаджанов[3] ўз асарида XVIII асрнинг биринчи ярмида Трансоксиана худуди(шу жумладан Фарғонага ҳам)га кўплаб кўчманчи халқлар (аввало қипчоқлар ва қалмиқлар) кўчиб келганликлари ҳақида маълумотлар беради. Фарғонанинг тоғли (шимол, шарқ ва жанубда) худудларида яшаётган кўчманчи қирғизлар (или так называемые «чернокаменные киргизы») асосан чорвачилик ва баъзи хунармандчилик (тери ошлаш, тери маҳсулотлари ва шунга ўхшаш) турлари билан шуғулланганлар.

Туб аҳоли (айниқса шаҳарликлар) кўпинча “сарт” деб номланган, бу атама “қипчоқ”, “қирғиз-қипчоқ” атамалари каби доимий турғун бўлмаган. Бошқа маълумотларга қараганда «қирғиз-қипчоқлар» атамаси икки этноснинг аралашуви натижасида келиб чиққан. Бундан ташқари Фарғона водийсининг марказида қорақалпоқларнинг катта гуруҳи яшаганлар, улар қипчоқлар билан бирга келиб ўрнашган бўлишлари мумкин.

XVII-XIX асрлар давомида туб аҳолига “қошғари”лар келиб қўшилганлар, бу ёзма манбаларда кўп бора тилга олинган. С. Абашиннинг тахминларига кўра “сарт” деб номланувчи маҳаллий туб аҳолининг анчагина қисми (деярли ярми) айнан “қошғари”лардан ташкил топган.

Б. М. Бабаджановнинг[4] асарида берилган маълумотларга кўра Қўқон хонлигининг чегаралари мустаҳкам бўлмаган, аиниқса XIX аср 40-йиллари бошларида. Ва яна, хонликдаги хукмрон доирани эгаллаш учун қабилалар

ўртасида бўлиб ўтган рақобатлар кўчманчиларни (биринчи ўринда қипчоқларни) оммавий равишда шаҳар ва шаҳар атрофларига кўчиб келишларига ёки йирик харбий мағлубият сабаб хонликдан ташқаридаги худудларга (аввало Қошғарга) чиқиб кетишларига сабаб бўлган.

Тарихчи олим Шодмон Воҳидов ўзининг “Қўқон хонлигида тарихнавислик”[5] асарида хонликдаги қирғизлар, қипчоқлар истиқомат қилган худудлар ҳақида ёзади. Улар Сирдарёнинг бошланиш жойларидан Балхаш кўлигача бўлган тоғли районлардан то Қошғар чегарасигача бўлган ерда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси худудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирганлиги ҳақида маълумот беради.

Бундан ташқари Фарғона водийсида қорақалпоқлар, Тошкент атрофларида ўн минг уйдан иборат бўлган қозоқлар, хонликнинг шарқий қисмида, Қўқон хонлигини Бухоро ва Россиядан ажратиб турадиган чўлларда эса кўчманчи қозоқлар яшаганлигини айтади.

Хонлик худудида кўплаб уйғурлар ҳам яшаганлиги ҳақида бир неча маълумотлар мавжуд. Тарихчи олим Ч. Ч. Валихановнинг гувоҳлик беришича, XIX асрнинг ўрталаридаёқ Қўқон хонлигида 300 мингга яқин уйғурлар яшаган. И. В. Захарова ҳам 1860 йилга қадар Қўқон хонлиги худудида 200-250 минг қашғарликлар яшаган бўлса керак, деб ҳисоблайди. Ҳар ҳолда Фарғона водийси худудига кўчиб ўтган Шарқий Туркистонлик уйғурлар сони бундан ҳам кўп. Негаки, бу даврда уйғурлар кўпроқ ўзлари чиқиб келган жой номлари билан-

Қашғар шаҳри ва ушбу воҳадан келганлар-“қашғарлик”, Ёркентдан кўчиб келганлар-“ёркентлик”, Турфондан ўтганлар-“турфонлик” ва ҳоказо номлар билан аталган. Булар орасида қашғарликлар кўпчиликини ташкил қилган.

Ч. Ч. Валиханов томонидан келтирилган қуйидаги маълумот ҳам яна бир бор Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурларнинг сони анча кўп бўлганлигини тасдиқлаб турибди. Фақат, 1862-1878 йиллар оралиғида Қўқон хонлиги ҳудудига кўчиб ўтган қашғарликларнинг сони 85-162 мингга ташкил қилган[6].

Т. И. Султановнинг “Кочевые племена приаралья в XV-XVIII вв.” номли асарида минг, юз, қирқ уруғлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Ушбу уруғлар бир-бири билан ўзаро қариндошлик алоқаларида бўлган, XIX асрда жануби шарқий Заравшон, Амударё ҳавзаси, Хисор ва Балх атрофларида шунингдек Хива ва Қўқон хонликларида истиқомат қилганлар. Ушбу уруғлар марка номи остида бирлашганлари маълум. XX асрнинг 20-йилларида марка уруғи бирлашмаси Ўзбекистонда 82 786 кишини ва 112 майда уруғ ва бўғинларни ташкил қилган[7].

Чор Россияси даврида Туркистон ўлкасига бағишланган “Туркестанский сборник” тўпламини чоп этиш жорё қилинган. Ушбу тўпланда Қўқон хонлиги ҳудудида яшаган халқлар тўғрисида кўплаб маълумотлар мавжуд. Масалан, тўпланинг 4-жилдида венгр олими Херман Вамберининг “Этнографический очерк Средней Азии” асарида хонлик аҳолисининг этнографик кифоаси ҳақида маълумотлар[8] келтирилган. Унга кўра Вамбери ушбу

ҳудудда яшайдиган туркий уруғларни 5та гуруҳга ажратади: 1) бурутлар, қора ёки ҳақиқатда қирғизлар; 2) қирғизлар, қайсақ уруғига тегишли; 3) қорақалпоқлар; 4) туркманлар ва 5) ўзбеклар (боши катталар).

Бурутлар Туркистоннинг шарқий чегарасида, айнан Тянь-Шаннинг тоғли водийларида, Қўқон чегарасидаги Иссиқкўл бўйларида истиқомат қилишади. Қипчоқлар бурут уруғининг бир бўғинини ташкил қилган бўлса керак, улар Қўқон ҳудудига кўчиб келиши биланоқ ислом динини қабул қилган. Бурутларнинг мўғул-қалмиқ турига кирувчи қирғизлар бу келиб чиқишдан анча узоқлашган бўлсаларда, тил, яшаш турмуш тарзлари билан бурутлардан унчалик фарқ қилмайдилар. XIX асрнинг бошларида Хива хонлигига кўчиб ўтган қорақалпоқлар юз тузилишлари жиҳатидан қирғизнинг ўзбеклашуви жараёни намояндалари ҳисобланишган.

Хива ўзбекларини тўлиқ юзидан, кичик пешонасидан, оғиз қисмининг катталигидан, Бухоро ўзбекларини эса дўнг пешонасидан, жағ қисми узун ва учлилигидан ажратиб олиш мумкин. Қўқон ўзбеклари эса қирғизларга ўхшаб кетган.

“Туркестанский сборник”ни 23 жилдида[9] эса хонлик аҳолиси ўтроқ ва кўчманчи аҳолига бўлинганлиги ҳақида айтилиб, таркиби ва яшаш ҳудудлари ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган.

Келиб чиқиши туркий уруғдан бўлган ўзбеклар Қўқонда кўпчиликини ташкил этиб хукмрон қабила ҳисобланади ва асосан ўтроқ ҳаёт кечиради. Бухоро ва Хива ўзбекларидан фарқли ўлароқ Қўқон ҳудудидаги

Ўзбеклар жанговарлик сифатларини деярли йўқотганлар.

Туроннинг туб аҳолиси ҳисобланган сартлар хонликнинг ғарбий қисмида истиқомат қилиб, соф форс тилида сўзлашадилар. Тоғли ҳудудларда эса голағлар (қора сартлар) яшайдилар, пул топиш мақсадида Фарғона водийсига хар йили тушиб турадилар.

Қирғиз аҳолисига эса қора-қирғизлар ва бурутлар киради, яъни қора ёки ёввойи қирғизлар. Уларнинг кўп қисми ўзларини кўқонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида Россия қарамоғига ўтганлар. Сирдарёдан жанубда яшовчи қора-қирғизлар ўзларининг жанговарлик сифатларини сақлаб қолиш билан бир қаторда хонликка ўз сўзларини ўтказганлар, чунки Қошғар ва Хитой давлатларига олиб борувчи асосий тоғ йўллари шу қавмларга тегишли эди

Қипчоқлар ўта жанговар қавм ҳисобланиб 16 йилдан ортиқроқ хонлик сиёсий ҳаётини бошқарганлар, 1853 йилда эса сартлар томонидан кириб юборилганлар. Қирғиз-қайсақларнинг катта қисми эса Россия ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Юқоридаги халқлардан ташқари Кўқон хонлиги ҳудудида бухороликлар, афғонлар, хиндлар ва яҳудийлар истиқомат қилганлар, улар асосан савдо-сотик ишлари билан шуғулланганлар.

XIX асрда хонликнинг аҳолиси уч миллион нафарни ташкил қиларди. Бирок Россия империяси босқини натижасида кўп ҳудудлар янги босқинчилар маъмурияти таркибига киргач, хонлик тасарруфидаги Фарғона водийсида икки миллион нафарга яқин аҳоли қолган. Хонлик аҳолиси ўрганилаётган (1850-1876й.) даврда, асосан ўзбек, тожик,

қирғиз ва қипчоқлардан иборат бўлган.[10]

У. Абдуллаев, Г. Валихонова таҳрири остида чиққан “Фарғона водийси аҳолиси”[11] номли асарда XIX асрга оид статистик материалларнинг таҳлили мавжуд, унга кўра Россия империясининг Туркистон ўлкасига қарашли Фарғона вилоятида яшаётган умумий аҳолининг 62.47%ини ўзбеклар, 26.3%ини қирғизлар ва 11.23%ини бошқа этник жамоа вакиллари (хусусан, тожиклар, уйғурлар, татарлар, қорақалпоқлар, шарқий славян халқлари, лўлилар, яҳудийлар...) ташкил этади.

XVII-XIX асрлар мобайнида Фарғона вилоятининг тоғ, тоғолди ҳамда адир ёнбағирларидан кўплаб қирғиз уруғлари ўз чорвалари учун яйлов сифатида фойдаланганлар ва уларнинг маълум қисми ўтроқлашув жараёнида ушбу жойларда ўз қишлоқларини ташкил этди.

XVIII асрнинг II-ярмидан эътиборан, айниқса XIX асрнинг II-ярмида, Хитой феодалларига қарши кўтарилган мусулмонлар кўзғолони мағлубиятга учрагандан кейин Шарқий Туркистоннинг кўплаб аҳоли, хусусан жуда кўп уйғур оилалари Фарғона водийсига кўчиб ўтади.

Шарқий Туркистонда юз берган танг сиёсий вазият Хитойнинг Шаньси ва Ганьсу вилоятларида яшовчи бир гуруҳ дунгон халқи вакилларини ҳам Ўрта Осиёнинг қатор ҳудудларига, хусусан Фарғона водийсига кўчиб ўтишига мажбур этди.

Ўрта Осиё яҳудийларини маҳаллий аҳоли “жўҳит” этноними билан атайдилар. Улар ушбу ўлканинг қадимги аҳолиларидан бири ҳисобланади. Ўрта Осиё яҳудийларининг катта гуруҳи

Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида яшаганлар. Айнан шу шаҳарлардан кейинчалик Фарғона водийси шаҳарларига ҳам кўчиб келиб жойлашганлар[12].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хонлик аҳолиси этник таркиби жуда хилма хил бўлган. Ушбу халқларнинг яшаш турмуш тарзи, маънавияти, маданияти ҳам ўзининг алоҳида хусусиятига эга бўлган. Азалий чорвадор этносларнинг ўтроқликка ўтиши, маҳаллий турғун аҳоли билан ҳар жиҳатдан қўшилиб кетиш жараёни янада жадал тус олган. Эндиликда нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам яхлит бир худудга айланган Фарғона водийси аҳолиси ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланган. Этник мулоқотлар юзага келиб, интеграция, консолидация ва ассимиляция жараёнлари тезлашган. Бу жараёнлар эса, асрлар оша ўзбек қавмининг халқ ва миллат бўлиб шаклланишида тарихий муҳим аҳамият касб этган.

Адабиётлар рўйхати

1. А. Асқаров. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Ўқув кўланма. Тошкент, “Университет”. 2007 й. 277 бет.
2. Т. К. Бейсембиев. Тарих-и Шахрухи. Алма-Ата, “Наука”. 1987 й. 78-80 бет.
3. Б. М. Бабаджанов. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио Ташкент. 2010й. 92-93 бет.
4. Б. М. Бабаджанов. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио Ташкент. 2010й. 94бет.
5. Ш. Вохидов. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Тошкент, “Академнашр”. 2010 й. 59 бет.
6. У. Абдуллаев, Г. Валихонова. Фарғона водийси аҳолиси. Тошкент, “Наврўз”. 2016 й. 67-68 бет.
7. Т. И. Султанов. Кочевые племена приаралья в XV-XVIII вв. Москва, “Наука”. 1982 год. С-34
8. Этнографический очерк Средней Азии Вамбери. Санкт Петербург, 1878 г. Туркестанский сб., т. 4, стр.307.
9. Военный сборник, Санкт Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 23, стр. 30.
10. История Узбекистана. Том III. Ташкент: Фан, 1993. стр. 214-215.
11. У. Абдуллаев, Г. Валихонова. Фарғона водийси аҳолиси. Тошкент, “Наврўз”. 2016 й. 55-76бет.
12. У. Абдуллаев, Г. Валихонова. Фарғона водийси аҳолиси. Тошкент, “Наврўз”. 2016 й. 55-76бет.